

ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ ИЛМИЙ АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Атамуродова Рохила Қаршиевна, доцент

Ш. Исомиддинова, магистр

Жиззах давлат педагогика университети

roxila.atamuradova.65@inbox.ru

Анотация: Ушбу мақолада ўқувчиларқалбида миллий ғурур туйғуларини улғайтириш, ёшлар онги ва кўнглида ватанпарварлик ҳисларини кучайтириш мақсадида тарихий илмий асарлар билан бир қаторда Амир Темур тўғрисида яратилган адабий-бадиий асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўз: миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик, маърифат, маданият, бунёдкорлик, дин

Ҳар бир халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, муқаддас қадриятларидан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Кўхна Турон замини нафақат Шарқ, балки бутун дунё цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганлигини дунё олимлари ва халқаро жамоатчилик тан олмоқда. Бу табаррук заминда буюк алломалар, саркардалар, улкан тафаккур эгалари етишган. Улар санъат, сиёсат, астрономия, кимё, математика, фалсафа бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Улуғ аждодларимиз эса шубҳасиз халқимиз учун, айниқса, ёш авлод учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб келмоқдалар. Биз ўз ота-боболаримиздан, улар яратган бебаҳо маънавий бойликлардан фахрланамиз ва ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини ҳис қиламиз. «Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намоёндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг экани... бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи... бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт... Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Дарҳақиқат, улуғ аждодларимиз яратган бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни, юксак туйғуларни камол топтиришда қудратли маърифий қуроли вазифасини ўтайди. Шу маънода

иждокорлар томонидан яратилган бадий асарлар марказидаги тарихий сиймоларини образларини ўрганиш, уларнинг инсоний қиёфасини англаш, амалга оширган эзгу ишларининг аҳамиятини идрок этиш; ушбу зотларнинг улуғлиги, буюклигини кўрсатувчи фазилатлари, кураш-интилишлари, имон-этиқодлари мазмунини чуқур тушуниш ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради. Кўхна Турон заминидан азал-азалдан кўплаб заковатли улуғ сиймолар етишиб чиққан. Бу юртнинг Имом Бухорий, ат-Термизий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари улуғ фарзандлари номи тарих саҳифаларида мангуликка муҳрланган. Афсуски, шўро тузуми даврида улар шахси бир қадар камситилди. айниқса, Амир Темур «босқинчи», «бузғунчи», «талончи», «жоҳил» деб таърифлашибгина қолмай «Темурланг», «Оқсоқ Темур», «Чўлок Темур» каби ҳақоратли номлар билан тилга олинди. Ваҳоланки, дунёни мўғил босқинчилари истилосидан сақлаб қолган, ўз даври учун миллий ғоя яратган; пароканда ва босқинчилар зулми остида эзилган Ватанини озод ва фаровон қилиш йўлида курашган, бобомиз шахсини, инсоний қиёфасини ҳар жихатдан ўрганиш; ўқувчи ёшларга ибрат қилиш; аждодларимизга хос юксак инсоний туйғулар, амалга оширга буюк ишлари мазмун моҳиятида юртпарварлик, миллатпарварлик, яратувчилик ғоялари мужассам бўлганини англашиш орқали миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ўстириш; ўқувчиларни ҳам бундкорликка, эзгулик яратшга, миллат ва юрт фаровонлиги йўлида улар каби матонат билан курашиб курашиб яшашга даъват этиш таълим ва тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Абадий шуҳратга эришган ана шундай улуғ сиймолар ҳақида истиқлол шарофати билан кўплаб илмий, адабий-бадий асарлар яратилди. Уларда мустабидлик сиёсати даврида Темур шахсининг ва юртининг топталган тарихи тўғрисидаги асл ҳақиқатлар маълум қилинди. Халқимиз қалбида миллий ғурур туйғуларини улғайтириш, ёшлар онги ва кўнглида ватанпарварлик ҳисларини кучайтириш мақсадида тарихий илмий асарлар билан бир қаторда Амир Темур тўғрисида яратилган адабий-бадий асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булардан, Абдулла Ориповнинг беш пардали «Соҳибқирон» драматик достони ва атоқли адиб О.Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш қиссаси» пьесаси қиссаси алоҳида ажралиб туради. Чунки ушбу асарларда тарихий давр мураккабликлари ҳаққоний акс эттирилган бўлиб, Амир Темур образи реал ҳаёт кишиси сифатида гавдалантирилган. Хусусан, Шоир Абдулла Орипов «Соҳибқирон» драматик достонида юз берган реал ҳодисаларни таянч манба сифатида танлаб, Амир Ҳусайн, Елдириш Боязид, Бибиҳоним, Улуғбек, Хонзодабегим, Улжой Туркон, ибн Арабшоҳ, Ҳофиз Шерозий, аҳмад Яссавий, Испания элчиси Клавихо сингари тарихий шахслар образларини ҳам киритганки, улар муайян воқеалар ичида Соҳибқирон қиёфасини очишга хизмат қилади. Драмада тарих ҳақиқатига мувофиқ баҳс-мунозаралар, мулоқотлар орқали Соҳибқироннинг адолатга садоқати, беқиёс инсонпарвар, юртпарвар зот бўлгани жонлантирилган.

Ўтмиш ходисаларини мавжуд ҳақиқати билан бу тарзда бадиий манзаралантириш эса таъсирчанликка эришишнинг энг самарали йўли саналади. Шу сасосда Амир Темур ўз хатти-ҳаракатини ҳамиша таҳлилу тафтиш этадиган, «Куч адолатда!» шиорига содиқ қолиб, ҳар ишда адолатга суяниб атрофдагилар билан маслаҳатлашадиган, донишманд сифтида гавдаланади. «Бирор мушкул муаммони ҳал этар бўлсам, 83 Кенгаш қилдик аҳли дину вазирлар билан, Кенгаш қилдик баҳодирлар, амирлар билан».32 деган Амир Темурни Аҳмад Яссавий руҳи билан мулоқотга киргизиш орқали илму тафаккур қудрати ҳар қандай жисмоний кучдан устун эканлигини таъкидлашга хизмат қилган. Тенгсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим, Балки қанча умрларга золим бўлганман, Охиратда этагимдан тутмасми улар? деганида А.Яссавийдан: «Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон», –деган жавобни эшитган. Ҳодисага тарихий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, Амир Темур (1336-1404) А.Яссавий (1166 йил вафот этган) билан учрашмаганлиги бу икки буюк сиймо бирбиридан бутунлай олис даврда яшаганлиги маълум. Аммо соҳибқироннинг туркистонлик авлиёга эътиқод қўйгани унинг қабри устига 1396-1397 йилларда маҳобатли мақбара тиклатиб, яхши бир обод манзилга айлантиргани эса ҳақиқатдир. Қолаверса, ўз фаолиятини тафтишлашга одатланган ҳар бир комил инсон сингари, умр шоми яқинлашаётган Амир Темур қалбида ҳам «... қанча умрларга зомин бўлганман, охиратда этагимдан тутмасми улар?» – деган ташвишли ўй кечганлиги табиий тасвирланган. Улуғ бобомизнинг ҳамиша инсон ўз-ўзини, ўзи амалга оширган ишларни адолат тарозусида ўлчаб, ҳақиқатга тик қараш кераклигини умр маёғига айлантирганлигини англаш мумкин. Асар таҳлилида ўқувчилар эътиборини бош қахрамон образининг бу каби кучли жиҳатларига қаратиш мақсадга мувофиқ

Абадий шуҳратга эришган ана шундай улуғ сиймолар ҳақида истиқлол шарофати билан кўплаб илмий, адабий-бадиий асарлар яратилди. Уларда мустабидлик сиёсати даврида Темур шахсининг ва юртининг топталган тарихи тўғрисидаги асл ҳақиқатлар маълум қилинди. Халқимиз қалбида миллий ғурур туйғуларини улғайтириш, ёшлар онги ва кўнглида ватанпарварлик ҳисларини кучайтириш мақсадида тарихий илмий асарлар билан бир қаторда Амир Темур тўғрисида яратилган адабий-бадиий асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булардан, Абдулла Ориповнинг беш пардали «Соҳибқирон» драматик достони ва атоқли адиб О.Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш қиссаси» пьесаси қиссаси алоҳида ажралиб туради. Чунки ушбу асарларда тарихий давр мураккабликлари ҳаққоний акс эттирилган бўлиб, Амир Темур образи реал ҳаёт кишиси сифатида гавдалантирилган.

Соҳибқирон бобомиз амалга оширган ишларининг якуни улуғ. У озод Туроннинг марказлашган, яхлит давлати салтанатини яратди. Тарикдай сочилган миллат ва халқларни бирлаштирди, Европа тили билан айтганда «Ренессанс» деб аталадиган улкан уйғониш даври маданияти равнақиға асос солди. Мамлакатини бошқаришнинг тартиб-қоидалари «Темур тузуклари»ни

яратди. Буларнинг барчаси Темурдан қолган маънавий меросдир. Шоир Абдулла Орипов Соҳибқирон фаолиятининг қимматли томонларини шу тахлит ҳаётий ва маънавий асосларига таяниб қаҳрамон сиймоси орқали ёрқин гавдалантириб берган. Иродали кишигина ҳаётда ўзи кўзлаган мақсадга эриша олади. Ижодкор ўз асари орқали бизни иродали, дадил, млатсевар, ватанпарвар бўлишга чорлаш билан бирга душманларни ҳам кечира билашдай умуминсоний туйғуларни тараннум этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Марасулова У. Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш усуллари. Методик қўлланма. -Т.: ТДПУ, 2006. - 40 б
2. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1998. -90 б.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи ва иккинчи жилдлар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 2000. - 432 б
4. Атамурадова Р. Адабий таълим жараёнида шоир абдулла орипов ижодини ўргатиш усуллари
5. Adilova, M. (2023). THE PSYCHOLOGICAL EFFECT OF TRAPS IN THE SOCIAL NETWORK ON YOUTH MIND AND SPIRITUALITY. Open Access Repository, 4(2), 500-505.
6. Komilova, A., & Adilova, M. (2023). SHAXS EMOTSIONAL INTELLEKTINING PSIXOLOGIK VA PSIXOFIZIOLOGIK JIHATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 3(2).
7. Komilova, A., & Adilova, M. (2023). AGRESSIYA–OSMIRLARDA YUZAGA KELADIGAN TAJOVUZKORLIK RIVOJLANISHIGA TASIR ETUVCHI FENOMEN SIFATIDA. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 3(1).
8. Muratovich, M. E., Kurbon, O., & Shamsiyevna, A. M. (2022). Some features of the formation of mathematical representations in preschoolers in the process of familiarizing them with the size and shape of objects.
9. Umdjon, Y., & Madina, A. (2023, April). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLADA O ‘ZINI-O ‘ZI ANGLASHDA OILANING ROLI. In E Conference Zone (pp. 11-16).
10. Umdjon, Y., & Madina, A. (2023, April). PROFESSIONAL MOTIVATION AND ITS STRUCTURE IN THE MANAGEMENT PROCESS. In E Conference Zone (pp. 11-16).
11. Madina, A., & Lobar, R. (2023). HUQUQIY ONG TUSHUNCHASINI O‘RGANISHNING NAZARIY JIHATLARI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 375-379.
12. Madina, A., & Donoxon, M. (2023). OILADA YOSHLARNI TOLERANT MADANIYATLI QILIB TARBIYALASH VA IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK OMILLAR. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 353-358.

13. Madina, A. (2023). BOLALARDA AHLOQIY FAZILATLARNI PSIXOLOGIK SHAKLLANTIRISH USULLARI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 340-345.
14. Shamsidinovna, A. M. (2023, May). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA 12.AHLOQIY JIHATLARNI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK JARAYONLARI. In *E Conference Zone* (pp. 6-12).
15. Shamsidinovna, A. M. (2023, April). MAKTAB O‘QUVCHILARINING INDIVIDUAL-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI O‘RGANISHNING AHAMIYATI. In *E Conference Zone* (pp. 1-5).
16. Norbekova, B. S. (2016). YOSH VA O‘TISH DAVRI XUSUSIYATLARINING PEDAGOGIK QAROVSIZ O‘SMIRLAR KELIB CHIQISHIGA TA’SIRI. The edition is included into Russian Science Citation Index., 77.
17. Норбекова, Б. 2021. Духовное воспитание - как основа психологического воспитания. *Общество и инновации*. 2, 10/S (ноя. 2021), 105–109. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp105-109>.
18. Shavkatovna, N. B. (2022). AXBOROT TEXNOLOGIYALARI BILAN ISHLOVCHI SHAXSLARNING PSIXOLOGIK XOLATINING PATOLOGIYASI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 658-662.
19. Norbekova, B. (2022). O‘roqboyeva M. Maktabgacha ta‘limda psixologik xizmatni tashkil etishning o‘ziga xos jihatlari. Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollari, 1(1), 481-483.
20. Alibekov, D. (2020). Socio-philosophical basis of educational system development. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (90), 24-26. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-10-90-6> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.10.90.6>
21. Alibekov D. SOTSIALNO-FILOSOFSKIE OSNOVY RAZVITIYa SISTEMY OBRAZOVANIYa //Jurnal muzyki i iskusstva. – 2021. – T. 2. – №. 2.
22. Farsakhanova, Dilafuz, and Davron Alibekov. "Technology to improve the quality of education based on educational values." *Arxiv Nauchnykh Publikatsiy JSPI* (2020).
23. Alibekov, Davron. “Sharq mutafakirlarining ta’lim-tarbiya borasidagi qarashlari.” *Jurnal muzyki i iskusstva* 2.1 (2021).
24. Alibekov, D., & Abduraqibova, D. (2023). TA’LIM TIZIMINING STRATEGIK RIVOJLANISHIDA INNOVATSIYALARNING AHAMIYATI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7730>
25. Alibekov, D. (2023). JAMIYAT TARAQQIYOTIDA TA’LIM TIZIMIGA INNOVATSION YONDASHUVNING STRATEGIK AHAMIYATI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 168-173. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9137>